

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



— 2022 йил—Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили —
Ассалому алайкум, азиз муштарий!

ЎСТИҚВОЛ ҲОҲИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@mail.uz

2022 йил 20 сентябр № 33 (8430)

ШХТ саммити: натижа ва сабоқлар

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСЛАРИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Самарқандда ўтказилган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги саммитида минтақа мамлакатларининг ўзаро ҳамкорликдаги иқтисодий, ижтимоий, савдо-саноат, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги, экология масалалари атрофида муҳокама қилинди. Самарқанд саммити доирасидаги муҳокамалар асосида жами 44 та ҳужжат – битим, концепция, дастурлар ва бошқа қарорлар қабул қилинган ташкилот фаолияти тарихида рекорд кўрсаткич, дея баҳоланмоқда. Дарҳақиқат, ҳар бир ҳужжат ўз йўналишида ташкилот аъзоларининг тараққий этиши, ўзаро ҳамкорликдаги ривожланиш йўлларини белгилаб беради.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқида бирдамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва шерикликни мустаҳкамлаш орқали ШХТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш мумкинлигини билдирди. Иқлим ўзгариши, сув ва табиий ресурсларнинг етишмаслиги, пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги инқирози каби замонамиз муаммолари барқарор ривожланиш учун жиддий хавф туғдираётганини таъкидлади. Шу билан бирга, қатор муҳим йўналишларга оид ҳаётий ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, Президентимизнинг ШХТни 2040 йилгача Ривожлантириш стратегиясини тайёрлаш таклифи ташкилот аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбарининг ШХТ доирасида университет ректорлари форуми, маданият ва туризм кунлари, қўшма спорт тадбирлари ва универсиадаларни таъсис этиш борасидаги таклифлари бугунги глобаллашув шароитида долзарб аҳамият касб этади. Жумладан, ШХТга аъзо мамлакатлар ўртасида спорт соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик ва алоқалар ушбу йўналишда янги платформалар яратилишига замин бўлади, соҳада ўзаро тажриба алмашиш, спортчиларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Спорт тадбирлари ва универсиадалар воситасида минтақа ёшларининг ўзаро ҳамжиҳатлиги, улар ўртасида соғлом муҳит барқарорлиги мустаҳкамланади.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ҳар бир таклиф ва ташаббус минтақада тинчлик ва осойишталикни таъминлашга, ШХТнинг янада ривожланишига, турли соҳаларда янги имкониятларни очишга, дунёда ҳамжиҳатликни кучайтиришга хизмат қилади.

ЎЗА



Пахта-2022: мавсум илғорлари ҳақида ҳикоялар

ИСБОТ ТАЛАБ ҚИЛМАЙДИГАН ҲАҚИҚАТ

Бу фермерни анчадан буён танийман: ернинг “тилини” тушунадиган, халқимизнинг “ишласанг—тишламайсан” деган ақидасига амал қиладиган, меҳнат кишисини қадрлайдиган, бир сўз билан айтганда, бугуннинг фидойи деҳқонларидан. Туман ҳокимлигининг “Пахта штаби”дан суриштириб билдимки, “Ўстиқбол” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги бу фермер кластер оմборига пахта сотиш режасини биринчилар қаторида уддалаб қўйибди. Қойил, лафз дегани мана бундоқ бўлади-да!

Фермер хўжалиги даласида-миз. Юз гектар ерда деҳқончилик қиладиган фермер хўжалиги аъзолари 34 гектар майдондаги ғўзани меҳр билан парваришлагани учун мўл ҳосил етиштиргани режа уддаланганидан кейин ҳам ҳосил бисёрлигида сезилиб турибди. Уша, ўзим таниган “Ваҳобжон Абдуллажон ўғли” фермер хўжалиги бошлиғи Ваҳобжон Мўминовни ҳар доимгидек далада, меҳнат аҳли орасида учратдик. Салом-алиқдан сўнг ютуқлар омили ҳақида дилдан суҳбатга киришиб кетдик.

—Деҳқончилик бугунги ишни эртага қолдириб бўлмайдиган,

мутахассислардан эътибор талаб қиладиган, айна пайтда ернинг, экиннинг “тилини” билиб, меҳнат қилган одамни асло доғда қўймайдиган касб эканлигига йиғирма йиллик тажрибам давомида амин бўлдим, —дейди Ваҳобжон даласига синчков назар ташлар экан.— 64 гектар майдонда мўл ғалла ҳосили етиштирдик. Гектаридан 60 центнердан, жами 380 тонна дон йиғиб олганимизнинг боиси, сувчи, тракторчи, оддий ишчи—барчамиз ерни алдамай, озуқасини вақтида бериб, агротехникасига амал қилиб меҳнат қилганимиздир. Даромадимиз ҳам меҳнатимизга яра-

ша бўлаётганидан жамоамиз аъзолари ҳам хурсанд.

Хусанбой Иброҳимов, Акрамжон Мўминов, Шерзодбек Абдурашулов, Ойбек Ғафуров, Зилолаҳон Валиева, Насибхон Убайдуллаева, Ферузахон Пўлатова сингари 40 нафар доимий ишчиларимизнинг фидойи меҳнати туфайли пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштирдик. Биз ҳеч қачон ишни ўз ҳолига ташлаб қўймаганмиз. Ўзим, иш бошқарувчимиз Валижон ака назоратни қанда қилмаймиз. Ким нимага эҳтиёж сезса, ҳозир нозир қилишга интиламиз.

(Давоми 2-бетда).



“ПАХТА ШТАБИ” ХАБАР ҚИЛАДИ

бўлиб маррага етган бўлса, “Ғиштон-Чимкент” ММТП хизмат кўрсатаётган “Ваҳобжон Абдуллажон ўғли”, “Муродилжон Мўминжон ери” фермер хўжаликлари марра остонасида турибди. Яна 13 хўжалик ғалаба манзилига яқинлашиб қолди.

Йиғим-терим учун ниҳоятда қулай бўлган шу кунларда хўжалик аъзоларидан ташқари маҳаллаларнинг уюшмаган аҳолиси бўлиб далаларда деярли 10 мингга яқин теримчи меҳнат қилмоқда. Теримчиларга ҳар килограмм пахта учун 1,5 минг сўмдан иш ҳақи ўз вақтида тўланиб, қулай меҳнат ва бошқа маиший шароитлар яратиб бериляпти.

Нафақат вилоят, балки республикада пешқадамлар сафида режани бажариш учун терим суръатини янада оширайлик!

Пахта йиғим-терим мавсуми қизғин паллага кирди. Туман ҳокимлиги “Пахта штаби” раҳбари Шуқурилло Собировнинг маълум қилишича, кеча туманимиз кластер хирмониға 3,3 фоиз пахта сотди, мавсум бошидан буён умумий кўрсаткич 46,5 фоиздан ошди. “Қўштепа-Қамиштепа” ММТП ҳудудидаги Рустамжон Равшанов номли фермер хўжалиги туманда бирин

УШБУ
СОНДА:

2

- * Соғлом ҳаёт – соғлом келажак
- * Пахта-2022: мавсум илғорлари ҳақида ҳикоялар
- * Муаммолар илдизи қаерда?

3

- * Сўраган эдингиз
- * Қўшнига тажовуз қилган зўравон
- * Жаҳон айвонида

4

- Сабоқ бекати**
- * Аҳли дониш дейдиларки...
- * Ақл-ақлдан қувват олар
- * Билиб қўйган маъқул

Пахта-2022: мавсум илғорлари ҳақида ҳикоялар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ваҳобжон фермер меҳнат аҳли қадрини жойига қўяди. Ахир эришилаётган ютуқларнинг бош сабабчиси шулар-ку. Иш анча енгиллаган пайтда ишчиларини Чустга олиб бориб, ҳордиқ чиқариб қайтишибди. Байрамларда, тўй ва бошқа маросимларда совға-саломларни, моддий ёрдамларни ҳеч қачон аямайди. Шунинг учун ҳам улар астойдил меҳнат қиладилар-да. Шу кунларда йиғим-теримда иштирок этаётган 40 дан ортиқ уюшмаган аҳоли вакиллари ҳам иссиқ овқат, ҳар килограмм пахта учун 1,5 минг сўмдан

шунча қўй парваришланади. Ҳар йили даромадидан бирорта зарур техника сотиб олишга интилади. Энг замонавий комбайн дейсизми, трактор, тиркамалар дейсизми, ўз эҳтиёжидан бўш турганида бошқалар ҳам фойдаланади ва бундан даромад қилишни яхши билади. Шу кунларда техника паркинни кенгайтиришни, томчилатиб суғориш агрегатлари ўрнатишни режалаштиряпти. Буни ишбилармонлик дейдилар-да.

—Ер тўйдирганни тўйдирмай қўймас экан,—дейди пешқадам фермер касбидан ғурурланиб.—Бунга

ИСБОТ ТАЛАБ ҚИЛМАЙДИГАН ҲАҚИҚАТ



пул маблағини вақтида ташкил этиптилар. Ўртача теримчининг хонадонига кунига 200 минг сўмдан маблағ кираётганидан фермер ҳам, уларнинг ўзлари ҳам хурсанд.

Ваҳобжон янгиликка ҳамиша пешвоз чиқади. Давлатимиз, ҳукуратимизнинг соҳага тегишли сиёсатидан ҳамиша огоҳ бўлади, газетамизни ўқишни ҳам қанда қилмаслиги, тўғриси, бизни қувонтирди. Кўп тармоқли хўжалиқда 30 та мол,

истаганча мисоллар келтириш мумкин. Ўзимиз ҳам шуларнинг биримиз. Ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, ерга оқилон муносабат туфайли ҳар йили ҳам хўжалигимиз яхши даромад олади. Шу йилнинг ўзида бир миллиард сўм соф даромадни кўзлаб турибмиз. Яхши даромад тўкин ҳаёт, бу эса тинч-тотув турмуш дегани-да. Ишчиларимиз ҳам турмушларидан рози. Яратганга беадад шукрларким, деҳқончилик ордидан тўрт фарзанд улғайтирдик, икки қиз узатдик. Катта ўғлим ёнимда, Тошкентда қишлоқ хўжалиги институтида сирдан ўқияпти, олтинчи синфдагиси ҳам деҳқончиликка қизиқади. Аллоҳ ниятга қараб беравераркан. Мен бир нарсани ёқтирмайман: айримлар баъзан ҳосили бўлмаса, тилсиз ерни “айбдор” қиладилар. Яна қайтариб айтман, Яратганнинг мўъжизаси бўлган ер уни тўйдирганни ҳеч қачон тўйдирмай қўймайди. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Суратларда: фермер Ваҳобжон Мўминов ўғли Абдулҳай билан; илғор теримчи Зилола Валиева (1-бетда). Хўжалик аъзолари ҳосил чўғидан мамнунлар (юқорида). Матн ва суратлар муаллифи: Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ.

Барчамиз масъулмиз

СОҒЛОМ ҲАЁТ – СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Ҳозирги суръаткор, шиддатли даврда инсон саломатлигини муҳофиза қилиш, фуқароларда ўз соғлигига эътибор қаратиш одатини шакллантириш тизимли тарғибот-ташвиқот ишларини тақозо этади. Шунга кўра, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш вазифаси фаолиятимизнинг асосини ташкил этади. Тиббий маданиятни ошириш, одамларнинг бу борадаги билимларини мустаҳкамлаш бўйича барча тиббиёт ходимларини жалб этган ҳолда иш олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг саккиз ойи давомида амалга оширилган ишларга тўхталадиган бўлсак, таълим муассасаларида қарийб олти юз нафар ўқувчи иштирокида гиёҳвандлик ва зарарли одатларга доир 38 та “Саломатлик дарслари” ўтилди. Ушбу мавзуда уюштирилган 146 та давра суҳбатларида жами олти минг нафардан зиёд тумандошларимиз камраб олинди.

Соғлом турмуш тарзини амалда намойиш қилиш мақсадида “Оқ-тепа”, “Йўлдошобод”, “Ғиштмон”, “Халқобод” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида “Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам” шиори остида ҳамкор ташкилотлар билан спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказилди. Шу йилнинг март ойида республикада биринчилардан бўлиб туман прокуратураси ташаббуси билан “Соғлом ҳаётга қадам ташла!” шиори остида саломатлик ойлиги ўтказилгани ҳам бунга мисолдир. Унда минглаб аҳоли вакиллари иштирок этишди ва 2000 та бук-



48-мактаб ўқувчилари даврасидаги суҳбат жараёни

летлар ҳамда эслатмалар тарқатилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан белгиланган “26 июнь—Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни” муносабати билан “оқ оғу” аталмиш ушбу зарарли моддаларнинг ноқонуний айланиши ҳамда мудҳиш оқибатлари билан боғлиқ муаммоларга жамият эътиборини қаратиш, соғлом турмуш тарзини тадбиқ қилиш орқали ёш авлодни тўғри тарбиялаш мақсадида қатор тадбир ва мулоқотлар олиб борилди. Бунда нафақат ёшлар, балки ота-оналар билан ишлашга эътибор қаратилди. Зеро, ҳар бир ота-она фарзандининг юриш-туришидаги ўзгариш, зарарли одатларга мойиллигини ўз вақтида пайқаш, бунинг олдини олиши, тарбия бора-борасидаги юксак бурчини англаши керак. Фарзандининг жисмонан соғлом, руҳан тетик, интеллектуал салоҳиятли, баркамол бўлиб улғайишини ҳамма хоҳлайди, бироқ баркамоллик оиладан бош-

ланишини, бутун келажаkning пойдевори ана шу муҳитда барпо этилишини унутмаслик жуда зарурдир. Айниқса, болаларга ўсмирлик даврида эътиборли бўлган одам асло доғда қолмайди.

Ҳар бир ота-она тушуниб етмоғи керакки, бахт-саодат фақат бойлик, мол-у, дунё билан белгиланмайди. Жисмонан ва маънан соғлом фарзандгина тўлақонли бахтга эришади, у нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир. Шу боис ҳам, мустақил мамлакатимизда ҳамиша ёшларга катта эътибор қаратиб келинади, уларнинг соғлом турмуш тарзига риоя қилишларини таъминлаш муҳим вазифа саналади.

Эл саломатлиги фаровонлик асосидир. Биз бу шарафли йўлда давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларига мувофиқ изланишда, изчил меҳнат қилишда давом этамиз.

ОЙБЕК МУРОДОВ,
туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.
Б. РЎЗИОХУНОВ олган сурат.

Менда ҳам гап бор

МУАММОЛАР
ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Бугун халқимиз билан янги Ўзбекистонни бунёд этишга каттик бел бойлаганмиз. Аммо бу йўлга ғов бўлаётган муаммоларни бартараф этишга киришмай туриб, олижаноб мақсадга эришиб бўлмайди, албатта. Менинг назаримда, бу муаммолар боши таълим тизимининг барча босқичлардаги ўзибўларчилик, хайбаракаллачилик, айниқса, олий таълимда коррупцион ҳолатлар камаймаётганида акс этиб турибди.

Халқимизда касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деган доно нақл бор. Ўрта таълим тизимида яширилган “касалликлар” яқиндагина ўтказилган давлат тест натижаларида ошкор бўлиб қолди. Қизиқанлар аллақачон хабардор бўлган маълумотларни келтириб ўтмасам, фикримни очиб бера олмайман. “Mandat.dtm.uz” сайтининг берган маълумотларига кўра, шу йил олий таълимга кириш учун бир миллион 73 минг 821 нафар абитуриент тест топширган. Ачинарлиси, абитуриентларнинг 51.2 фоизи яъни 550 минг нафари ўтиш баланинг энг қуйи натижаси ҳисобланган 56.7 баллни ҳам тўплай олмаган. Аввалги йилга таққослаганда, аҳвол янада ачинарли. Натижалар бу йил таълим сифати янада орқага кетганлигини кўрсатиб турибди.

Баъзи “билимдон”ларнинг айтишича, бунга сабаб мажбурий фанлардаги осон тестларга бериладиган баллни озайтириб, мутахассислик фанларига кўпроқ урғу берилгани эмиш. Ўз соҳаси бўйича ҳар қандай қийин тестни осонгина ишлай олган абитуриент, мажбурий осон тестни кўп ечиб, юқори балл олган абитуриентдан афзалроқ, назаримда.

Мулоҳаза қилиб кўрайлик: 56.7 балл, бу умумий тўпланиши керак бўлган 189 баллнинг 30 фоизи. Агар уни мактаб даражасидаги баҳолаш тизимига қиёсласак, “2” ёки унданда паст—“1” га тўғри келади. Демак, “мен ҳам талаба бўлман” деб тест топширган абитуриентларнинг ярмидан кўпи мактабни “2” ёки “1” баҳо ўртасида тамомлаган бўлиб чиқади.

Аксарият ёшларнинг илм олишга қизиқмаётгани, ўз келажаги ҳақида жуда саёз фикрлаётганига ким айбдор? Бугун бир неча юзлаб ПТчилар, ўнлаб спортчилар, доврўғи дoston бўлган шахматчилар соясида бир неча минглаб ёшлар илмсиз, мақсадсиз қолиб кетаётганига ким айбдор?! Аввало оилада аксарият ота-оналар болалари тақдири ҳақида жиддий қайғурмаётгани, боғчадан тортиб мактабларда берилётган таълимнинг сифатсизлиги, тарбиянинг юзакилиги эмасми?! Боласининг мактабдаги ўқишини назорат қиладиган ота-оналар жуда кам бўлсалар керак. Мени кечирсинлар-у, талаб қанчалик каттик бўлмасин, устозлар орасида ҳам фидойилари кам учрашини ўзлари ҳам тан олишади.

Яна бир гап: балоғатга етган ёки унинг остонасидаги ҳар қандай инсон ўз билим даражасини билиши керак. Юқорида айтилганидек, савия “2” га яраша бўлса, олий таълимга интилишнинг, таваккалчилик ва оворагарчиликнинг ҳам моддий, ҳам маънавий зараридан кимга наф? Нима бўлганда ҳам асосий муаммо ўзимизда. Бизга яратилган шароитлардан фойдаланиш ўрнига уни суиистеъмол қилган ҳолда вақт ва имконни қўлдан бой бериб, янада дангаса ва нўноқ бўлиб қоляпмиз.

Орзуга айб йўқ. Олий даргоҳда ўқиш истагани қондириш учун мактабни битиргандан кейин эмас, ҳатто бошланғич синфдан интилиш, ўқиш, жонни қийнаш керак. Ана шундагина мақсадга эришилишини тенгдошларим ва укаларимга эслатиб қўйгим келди.

Илҳомжон СОБИРОВ,
Нукус давлат университети талабаси,
Шомирза маҳалласи.

Сўраган эдингиз

Савол: мен Жаҳон тиллари университетига ўқийман. IELTS- 7.5 даражасини олганман. Иккинчи босқичда мактабларда инглиз тилидан дарс беришим мумкинми?

ҲОЗИРЧА БУНДАЙ ИМКОНИЯТГА ЭГА ЭМАССИЗ

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Абдуқодир Тошқулов 2022 йил февралда қорақалпоғистонлик талабалар билан учрашувда олий таълим муассасаларининг 2-курсдан бошлаб ишлашга рухсат берувчи янги тизим яратилишини маълум қилган эди. Лекин ҳали бу режа амалга ошгани йўқ.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги қарорига кўра, "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида"ги Низомнинг 8-банди билан, олий таълим муассасасининг

педагогика йўналишларида кундузги, кечки, сиртки бўлимларининг 3-курсда ўқиётган шахслар педагогик ишини амалга ошириш учун қўйилиши мумкин ва уларга ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлган тегишли лавозимдаги ходимнинг базавий тариф ставкаси сингари базавий тариф ставкаси белгиланади.

Аввал педагогика йўналишларида ўқиётган талабаларга 4-курсдан ишлашга рухсат бериларди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги

646-сонли қарори билан юқоридаги Вазирлар Маҳкамасининг 275-сон қарорига ўзгариш киритилиб, 3-курсдан ишлаш имконияти берилди. Ҳозирги тартибларга кўра, педагогика йўналишида ўқиётган талабалар қонунчиликка тегишли ўзгаришлар киритилганга 2-курсдан ишлашлари мумкин бўлади. Демак, Сиз амалдаги меъёрларга кўра ҳозирда дарс бера олмайсиз.

Шоҳруҳ СОБИРОВ,
Риштон туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

Савол: менинг иш стажим 22 йил, шундан уч йилида бола парваришида бўлганман. 54 ёшдан пенсияга чиқишим мумкинми?

ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯГА ЧИҚИШНИНГ ЎЗ ТАЛАБЛАРИ БОР

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддаси 5-қисмига кўра, болани парваришlash таътиллари даврида аёлниг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътилар меҳнат стажига, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан олти йил, шу жумладан, мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунининг 12-1-моддасига кўра, ушбу Қонун 37-моддасининг "а", "б", "в" ҳамда "г" бандларида назарда тутилган камидан йигирма йиллик иш стажига бўлган аёллар 54 ёшга тўлганда пенсия

олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Яъни Сиз 54 ёшдан пенсияга чиқишингиз учун юқоридаги бандларда назарда тутилган камидан 20 йиллик иш стажига эга бўлишингиз керак. Бола уч ёшга тўлгунча болани парваришlash таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 6 йил бўлиши 37-модда биринчи қисмининг "ж" кичик бандида назарда тутилган.

Демак, бола уч ёшга тўлгунча болани парваришlash таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 6 йил иш стажига қўшилади, лекин имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажига

қўшилмайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори 1-иловасига кўра, "Давлат пенсияларини тайинlash ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 35-бандига кўра, болани парваришlash таътилида бўлиш даври (шу жумладан, пули тўланадиган таътилда бўлиш) ёшга доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажига қўшилмайди.

Лазизбек АСҚАРОВ,
Риштон туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси.

Жиноятга жазо муқаррар

Миллатимизнинг азалий қадриятларида қўшничлик одоблари юзасидан гўзал урф-одатлар мавжудки, улар қон-қонимизга сингиб кетган. Ўзаги меҳр-оқибатдан иборат бу муносабатлар халқимизнинг ўзига хослигини белгилаб турувчи асосий хусусиятлардан биридир. Маҳалла-кўй, эл-юртда қариндошдан яқин бўлиб кетган қўшнилари яхши-ёмон кунда бир-бирига суянади, ҳолидан хабар олади, оила бошлиғи бўлмаган уйга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишни инсоний бурч деб билади. Бундай эзгулик муҳити асрлар оша сақланиб келган, аммо...

Сўзимизни айни мавзудан бошлаганимиз бежиз эмас, албатта. Яқинда Олтиариқ тумани судида видеоконференцалоқа тарзида очик суд залида кўриб чиқилган жиноий иш ана шундай мулоҳазаларга ундади, уйга толдирди. Қўштепалик уч болали ишсиз Шерзод (исми ўзгартирилган) нинг ён қўшнисига нисбатан зўравонлик хатти-ҳаракатлари атрофлича ўрганилиб, қонуний ҳукм чиқарилди.

Ҳодиса эса бундай бўлганди: ўша кун судланувчи бир маҳалладошининг эртанги кунга белгиланган тўй маросими муносабати билан хизматга бориб, у ердан тунги соат бирларда маст ҳолда чиқиб кетади. Уйга боргач, ўғли дўстидан олган 300 минг сўм қарзни қайтариш кераклиги ҳақида гапирди. Ўғлига сабр қилишини айтиб, дўқ урган Ш. Муқимовнинг хаёли ҳар қаёқ-

қа кетади, қандай бўлмасин пул топиш режасини туза бошлайди. Икки йил бурун Россияга ишлагани кетган ён қўшнисининг уйида қурилиш бораётгани ва, шундан келиб чиқиб, ҳойнаҳой уйида пуллар "манаман" деб тургани ҳақида ўйлайди. Ваҳоланки, чет элда юрган ҳамсоанинг аёли ва икки нафар вояга етмаган фарзанди ёлғиз яшашларини ях-

йин ўзига келиб, ёрдамга чақириб дод солди. Ўғри унга ташланиб, оғзини кафти билан беркитмоқчи бўлди, сўнг бўйнидан бўғиб "пул қаерда?" дея қистовга олди. Аёл жон-ҳолатда яна бақир-чақир қилиб унинг чангалидан чиқишга уринар экан, икки диван орасига орқаси билан йиқилди. Шу пайт шовқиндан ўғли ва қизи

чошиб кетади...

Судда айбланувчи қўшни уйга фақат ўғрилиқ учун кирганлиги, босқинчилик нияти бўлмаганлиги, жабрланувчилардан кечирим сўраши ва пушаймонлигини айтиб, айбини бўйнига олмади. Аммо тўпланган далиллар бунинг аксини исботлади. Хусусан, суд-тиббий экспертизасининг хулосасига кўра, жабрланувчининг бўйин соҳасидаги тирналма ва юмшоқ тўқиманинг лат ейиши, гувоҳларнинг кўрсатмалари, воқеа жойини кўздан кечириб, юзлаштириш баённомалари каби жараёнларнинг барчасида босқинчилик аломатлари тўлиқ далилланди. Суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ, судланувчига етти йил озодликни чеклаш жазосини тайинлади.

Хонадондан ҳеч нарса ўғирланмади, аёлга жиддий шикаст етмади, болалар соғ. Лекин уларнинг қалбидаги жароҳат бир умр сақланиб қолиши, қиёматли қўшнининг ҳимоясиз хонадони аҳли устига ярим тунда бостириб кирган эркак бу қабих қилмиши учун эл олдида умрбод боши эгик юриши тайин. Хулоса чиқариш—пул вазвасида ўйламай қалтис қадам босган жиноятчидан, мулоҳаза эса ҳаммамиздандир.

Ақлшер АҲМАДАЛИЕВ,
туман ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси терговчиси, майор.

Баҳодир АҲМЕДОВ,
бўлинма суриштирувчиси, капитан.

ҚЎШНИГА

ТАЖОВУЗ ҚИЛГАН ЗЎРАВОН



Юзи шувут, қамоқ жазосига гирифтор бўлди

ши биларди. Эркаги йўқлиги учун ҳам иккиланмасдан қўшнининг хонадонини тунашга қарор қилди. Ўртадаги девордан ошиб тушиб, биринчи учраган эшикдан ичкарига кирди. Бу хонани титқилаб, ҳеч қандай пул-мул тополмагач, секин иккинчи хонага ўтди. Бу пайтда ҳовлида кимнингдир юрганини сезиб қолган уй бекаси ўрнидан туриб чироқни ёқди-ю, қаршида маст қўшнисини кўриб қаттиқ кўрқиб кетди. "Сизга нима керак?!" дейишдан бошқа сўз тополмаган аёл босқинчининг "жим" маъносидан ишорасидан ке-

уйғониб, бегона одамнинг оналарини қийнаётганидан даҳшатга тушиб йиғлай бошлади. Она "қочинлар!" деб бақирди, аммо эркак уларнинг йўлини оёғи билан тўсди. Фарзандларига зарар етишидан кўрққан аёл маст тажовузкорга "болаларимга тегма!" деб маҳкам ёпишди. Шунда эркак уни яна бўға бошлади ва айвонга судраб олиб чиқди. Бечора аёл болаларига "уйдан чиқиб, қоч!" деб бақирди ва бу сафар бир амаллаб зўравоннинг чангалидан чиқишга эришди. Шу пайт вазият қўлдан кетганини пайқаган ўғри кўча томонга



ЧЕГАРАДАГИ ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВЛАР НАТИЖАСИДА ҚИРҒИЗИСТОНДАН 24 КИШИ ҚУРБОН БЎЛГАН АЙТИЛМОҚДА

Қирғизистон соғлиқни сақлаш вазирлиги РИА Новостига берган маълумотида ушбу рақамни келтирган.

"Тезкор маълумотларга кўра, Баткен вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасидан 24 киши ҳалок бўлгани ҳақида хабар келиб тушди", — дейилади вазирлик матбуот хизмати вакили берган хабарда. Яна 87 фуқаро яралангани ҳам айтилмоқда.

Ўтган жума куни эрталаб Қирғизистон ва Тожикистон чегарасида кенг кўламли қуролли тўқнашувлар бошланиб кетди. Томонлар ўт очишда бир-бирларини айбламоқда. Тўқнашувларда оғир техникалар ҳам қўлланилгани маълум қилинди.

АҚШ: КХДРНИ ТИЙИБ ТУРИШ УЧУН ЯДРОВИЙ ИМКОНИЯТЛАР ҲАМ ИШГА СОЛИНАДИ



АҚШ Жанубий Кореяга КХДРни "тийиб туриш" учун ўзининг ҳарбий имкониятларини тўлиғича, жумладан ядро қуролини ҳам ишга солишга ваъда қилди, дейилади икки мамлакат биргаликда эълон қилган баёнотда.

АҚШ ва Жанубий Кореянинг таъкидлашича, КХДР томонидан ядро ҳужуми кескин қаршиликка учрайди, Шимолнинг ядро синовини ўтказишга қаттиқ жавоб қайтарилади.

Томонлар бешинчи авлод F-35А қирувчи самолётларида биргаликда машқ қилиш, B-52 стратегик бомбардимончи самолётларда биргаликда парвозларни амалга ошириш ҳамда минтақага "Рональд Рейган" авиаташувчи зарбдор гуруҳини жойлаштириш ҳақида келишиб олганини маълум қилди.

Томонлар шунингдек, КХДРни ядро қуроли синовини ўтказишга уринмасликка чақирган.

ТУРКИЯ ШҲТГА АЪЗО БЎЛИШ НИЯТИДА

Туркия Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлишни режалаштирмоқда. Бу ҳақида мамлакат Президенти Режеп Таййип Эрдоған Ўзбекистонга ташрифи якуни бўйича маълум қилди, деб ёзди "Haberturk" газетаси.

"Анқаранинг ташкилот саммитида иштирок этиши махсус меҳмон мақоми билан изоҳланади", дейилади хабарда. Давлат раҳбари, шунингдек, "мазкур қадам навбатдаги жараённинг бошланишидан дарак, кейинги йил ташкилот саммитига Ҳиндистон мезбонлик қилади, кун тартибига бундай янгиликлар киритилиши мумкин", деган ШҲТга аъзоликни назарда тутиб.

Унинг сўзларига кўра, бу иштирокчи давлатлар билан ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Расулulloх (с.а.в.) хадисларидан



Аллоҳдан очиқлик (рўшнолик) келишини кутиш ҳам ибодатдир. Кимки озгина ризққа рози бўлса, Аллоҳ ҳам унинг қилган озгина амалидан рози бўлади.

Ибн Абу Дунё ривояти.

Расулulloх (алайҳиссалом): “Сизларга ибодатнинг осони ва баданга энгил бўлгани ҳақида хабар берайми? У сукут қилиб юриш ва чиройли хулқли бўлиш”, дедилар.

Сафвон ибн Салим (розияллоху анху)дан.
Ибн Абу Дунё ривояти.

Расулulloх (соллаллоху алайҳи васаллам) марҳамат қилдилар: “Сизлардан кучлиларингиз кимлигини айтмайми? У ғазаб келганда ўзини бошқара оладиган кишидир”.

Анас (розияллоху анху)дан.

Табароний ривояти.

**2002 ҳадис”дан.
(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри).
“Мунир” нашриёти.
Тошкент—2022.**

Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб
доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб
дарё бўлур.
Алишер НАВОЙИ.

Аҳли дониш дейдиларки...

ЖОН ФИДО ҚИЛИБ ИШЛАНМАСА...

Ҳар бир одам икки хил тарбия олади: биринчи тарбияни ўз ҳаёт тажрибаларини сингдириш йўли билан ота-она беради, иккинчиси, янада муҳимроғини эса унга ҳаётнинг ўзи ўргатади.

Э. ТЕЛЬМАН.

Инсонни унинг шахсий маънавий фаолияти, бошқача айтганда, бошқа одамлардан ёки китоблардан билганларини ўзича, мустақил ўйлаши, бошидан кечирishi, ҳис эта билиши ўқимишли қилади.

Ўзи ҳаракат қилмаса, ҳеч ким ҳеч қачон мақсадига эришолмайди. Биров кўрсатган ҳар қандай ёрдам ҳам сен қилган уринишларнинг ўрнини босолмайди.

Н. А. РУБАКИН.

Тарбия ишида ўз-ўзини такомиллаштириш жараёнига катта ўрин берилмоғи лозим. Инсоният фақат мустақил ўрганиш туфайлигина тараққий этган.

Г. СПЕНСЕР.

Ўз фикрини яхши ифодалай олмаслик— иллат: лекин мустақил фикрга эга бўлмаслик эса ундан ҳам баттарроқ иллат, мустақил фикрлар, мустақил орттирилган билимлардангина туғилади.

К. Д. УШИНСКИЙ.

Фанда энг ишончли кўмакчи ўз ақлинг, тафаккурингдир.

Ж. ФАБР.

Жон фидо қилиб ишланмаса, на истеъдодлар ва на даҳолар туғилади.

Д. И. МЕНДЕЛЕЕВ.

Қандай бўлсалар ўшандай қолишга аҳд қилганларгина—нодон.

АФЛОТУН.

Талант ўзинга, ўз кучинга бўлган ишончингдир.

Тажриба машаққатли мактаб, бироқ у нимадир ўрганишнинг ягона мактаби ҳамдир.

Б. ФРАНКЛИН.

**“Тафаккур гулшани”дан.
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
Тошкент—1989 йил.**

Ақл-ақлдан қувват олар

ДИЛИ ТЎҒРИНИНГ ЙЎЛИ ТЎҒРИ

Ота-боболар бир туркум мақолларда кишини юксак ахлоқ ва одоб эгаси бўлишга, виждонли, ор-номусли, соф кўнгилли, субулли бўлишга даъват этганлар: “Дили покнинг—йўли пок”, “Тоza қалбда доғ бўлмас”, “Соф кўнгил—сўлмас гул”, “Оқ кўнгилнинг—юзи кўркам”, “Тўнинг ямоқ бўлса ҳам, дилинг ямоқ бўлмасин” (“Камбағалликнинг айби йўқ, аммо ичи қоралик ёмон”, дейилмоқчи). “Уйи бузук ўнгалур, ўйи бузук ўнгалмас” ва бошқалар.

**“Ҳикматнома”дан.
Тошкент—1990 йил.**

Ватан манзиллари



(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Кейинги даврда қурилган девор эраמידан аввалги олти юзинчи йилда подшоҳ Набоналасар фармонига биноан тиклана бошлаган. Шоҳ шунчалик улкан қурилишни режалаштирган эдики,

Вавилонда хўжалик ишларини юритиш замонавий тузилмани жудаям эслатади. Шаҳарда кенг кўчалар ва дўконлар бўлган. Савдогарлар ўз молларини маҳаллама-маҳалла юриб сотишган. Дин пешволари ҳашаматли ибодатхоналарда аҳолига

заргарлик, қурол-яроғ ва қишлоқ хўжалиги иш қуролларини ясай олиш илмидан хабардор эди. Вавилонлик заргарларнинг буюмлари бутун дунёга донг таратган эди. Қазилмалар пайти бой фуқаролар уйларида топилган кўплаб зеб-зийнатлар ҳозирда жаҳоннинг машҳур музейлари кўргазмаларида намойиш қилинмоқда. Тараққиётнинг ибтидоида инсониятнинг қолган қисми тошболта ишлатиб, учи тошдан ясалган найзаларда ов қилиб юрганида, Вавилонда темир болта ва учи темирдан ишланган найза ва ўқлар қўлланиларди.

Вавилонликлар ақл-заковатли молиячи ва уста савдогарлар эдилар. Бизга маълум бўлишича, мол айирбошлаш воситаси сифатида пулни ихтиро қилганлар ҳам, қарз ҳақида тилхат ҳамда мол-мулкнинг эгасини аниқлаб берувчи ҳужжатларни ўйлаб топганлар ҳам вавилонликлар эди.

Душман қўшинлари илк бора Вавилонни эраמידан аввалги беш юз қирқинчи йили ишғол этди. Аммо ўшанда ҳам шаҳар деворлари орқали эмас. Вавилоннинг қулаш тарихи ниҳоятда ғайриоддий. Ўша замоннинг буюк истилочиларидан бири Кир Вавилонга ҳужум уюштириб, энгилмас деворлардан ошиб ўтиб, шаҳарни олишга умид қилиб турганида Вавилон шоҳи Набониднинг маслаҳатчилари, ҳали шаҳар камал қилинмасдан олдин қўшинни ташқарига чиқариб, Кирга қарши жанг қилишга ҳукмдорни кўндирдилар. Вавилон аскарлари тор-мор этилиб, шаҳардан ташқарига улоқтириб ташланади ва Кир очик дарвозадан кириб, Вавилонни ҳеч қандай ҳужумсиз эгаллайди.

(Давоми бор).

Билиб кўйган маъқул

АСАЛЛИ ШАРБАТ ДАВОЛАЙДИ

Айрим касалликларнинг бошланғич даврида гиёҳли қайнатма ёки дамламалар соғайишда ижобий наф беради. Агар гиёҳли дамлама тахирроқ бўлса, таъбга кўра асал қўшиб ичиш мумкин. Асал гиёҳли муолажанинг таъсир кучини янада оширади.

Шунингдек, гипертония касаллигида асални бир чой қошиқдан кунига 2-3 маҳал сутли маҳсулотлар билан биргаликда истеъмол қилиш лозим. Асалли шарбатлар ҳам қон босими меъёрида бўлишига кўмаклашади. Масалан, бир стакан лавлаг шарбатига битта лимоннинг сиқиб олинган суви қўшиб шарбат тайёрланади.

Қон босимини меъёрга келтириш учун асалли шарбатнинг фойдаси катта. Юқоридаги усулда шарбат тайёрланаётганда идишдаги аралашмага бир стакан асал солиб ёғоч қошиқда обдон қавланади. Аралашма шиша идишга солиниб, озги ёпиқ ҳолда салқин жойда сақланади. Қон босими ошиб турадиган беморлар бир ой давомида юқорида айтилган усулда тайёрланган аралашмани кунига 2-3 маҳал овқатдан олдин ичиб туришлари керак.

“Сихат-саломатлик” журналидан.

БАВИЛОН ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Жорж Самюэл Клейсон

ҳали девор битмасиданоқ оламдан ўтади. Унинг ишини номи Инжилда келтирилган ўғли Небухаднезар давом эттиради. Кейинги қурилган деворнинг баландлиги ва узунлигидан киши ақли шошади. Ишончли манбалардан маълумки, деворнинг баландлиги қирқ саккиз метр, узунлиги ўн олти километр бўлган. Девор қалинлиги ҳам ажабтовур. Устида олтига от қўшилган арава бемалол ҳаракатланган. Ҳозир фақат ўша маҳобатли деворнинг пойдевор қисми ва хандақлари қолган. Ғишларини араблар қурилиш ишларига ташиб кетган, девордан асар ҳам қолдиришмаган.

Тарихга маълум кўпгина истилочилар Вавилон тахтига кўз олайтириб, шаҳарга тинимсиз ҳужумлар уюштиришган бўлишса-да, уларнинг барча уринишлари зое кетарди. Ўша даврнинг қўшинларини кам сонли деб бўлмасди. Тарихчилар куйидаги рақамларни келтиришади: 10000 та чавандозлар, 25000 та жанговар араблар, ҳар бирида 1000 та жангчиси бор 1200 пиёдалар полки... Одатда урушга тайёргарлик икки-уч йил вақтни олади.



хизмат кўрсатардилар. Шаҳар ичкарасида шоҳ саройлари учун махсус ҳудудни ўраб олган деворлар шаҳар деворидан юқори бўларди.

Санъат Вавилонда гуллаб-яшнаган. Аҳоли ҳайкалтарошлик, мусаввирлик,

Азиз муштарий! Ҳафтаноамизда улуг аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножоиз ерларга ташламанг!

ISTIQBOL YO'LI

МУАССИС:
ҚЎШТЕПА ТУМАНИ
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАХРИРИЯТ
ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир:
Умидаҳон ХУДОЙБЕРГАНОВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Фаргона вилояти бошқармаси томонидан
2007 йил 9 январда 12-012 рақами
билан рўйхатга олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:
151111,
Марғилон шаҳар,
Бобур номи маҳалла,
Соҳибқор кўчаси, 4-уй.
Телефон ва факс:
муҳаррир (55) 801-17-54

ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТНИНГ
Pentium - IV
КОМПЮТЕРИДА
ТЕРИЛДИ ВА
САҲИФАЛАНДИ.
Дизайнер:
Отабек Ерматов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ
босмаҳонасида 3100
нусада чоп этилди.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Манзил: Марғилон шаҳар,
Туркистон кўчаси,
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:
64875

Буюртма № 599

Топшириш вақти 18.00
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:
Ҳадичаҳон КАРИМОВА

ISSN 2010-9253
9 772010 1925307